
ХОТИРА ВА ҚАДРНИНГ БОҚИЙ ТАНТАНАСИ

Вилоятимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш фахрийларига йўллаган табрикномаси ва пул мукофоти тантанали равишда топширилди.

Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари тарихида ўчмас из қолдирди. Совуқ уруш чангалидан юртимиз ҳам четда қолмади. Миллионлаб ўзбек йигитлари, навқирон ўғлонлар жанг майдонларида жон олиб, жон берди, неча юз минглаб хонадонлар ҳувиллаб қолди. Эл-юртимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги биз учун улкан жасорат мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шунинг учун ҳар йили 9 май - Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аجدодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирилиб, фашизмга қарши жанглarda, меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш юртимизда олижаноб анъанага айланиб қолди. Пандемия шароитида барча белгиланган карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда фахрийлар ҳолидан хабар олиниб, ғалабага қўшган ҳиссаси эътироф этилмоқда.

Вилоят ҳокими Шухрат Ғаниев Фарғона шаҳар “Ойбек” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Лариса Шарова хонадонида бўлиб, унга давлатимиз раҳбарининг байрам муносабати билан йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Онахонга самимий тилаклар билдириб, Президентимизнинг совғаси ҳамда 10 миллион сўмлик пул мукофотини тантанали равишда топширди.

-Президентимизга минг раҳмат, - дея ўзининг дил изҳорини билдирди Л.Шарова. - Бундай эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз. Илоҳим, дунёда тинчлик барқарор бўлсин, юртимизга кўз тегмасин, халқимизнинг ризқи бутун бўлсин!

91 ёшли Лариса Шарова Сталинград қамалида урушнинг энг оғир, даҳшатли кунларини бошидан кечирди. Пешонасида шундай талофатлардан омон қолиш ёзилган экан. Урушдан сўнг у тўқимачилик институтида таҳсил олди. Ўзбекистонга келиб, шу ерда бахтини топди.

Узоқ йиллар пахта саноати соҳасида меҳнат қилди. У Фарғона шаҳридаги пахта заводининг қурилишида ҳам жонбозлик кўрсатди. Икки нафар фарзандни тарбиялаб, шукроналик билан умргузаронлик қиляпти.

Бугун шаҳар ва туманларимизда Лариса ая сингари иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва фронт ортида меҳнат қилган нуроний отахон ва онахонлар давлатимиз эътибори, халқимизнинг эъзозидида ҳаёт кечирмоқда. Салкам бир асрлик тарихнинг жонли гувоҳи бўлган бу инсонлар юртимиздаги янгилиниш ва ўзгаришлардан қувониб, ёшларимиз бахту камолини тилаб дуога қўл очадилар. Умрнинг ҳар бир лаҳзаси қадрига етиш, ҳаёт дафтарини эзгу амаллар билан безашга даъват этадилар.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Facebook, Telegram, Веб сайт, YouTube

2020-05-09 17:59:50